

Тўра Боболов Деновлик ёшлар билан учрашди



Форумда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус бўйича туманда амалга оширилган ишлар намойиш этилди.

Ёш авлоднинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида янги инновацион лойиҳалар тақдимоти, ёшлар меҳнат ярмаркаси, ҳарбий техникалар ва қурол-яроғлар кўргазмаси, турли спорт мусобақалари ташкил этилди. Кўнгилочар, бадиий дастурлар, ёш санъаткорлар, эстрада юлдузларининг чиқишлиари барчага хуш кайфият улашди.

Форум доирасида вилоят ҳокими Тўра Боболов ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди.